

ЁШЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТИНИ ОШИРИШ: МУАММО ВА ЕЧИМ

Қодиров Зафарбек

Андижон вилоят юридик техникуми директорининг
ёшлар билан ишлаш бўйича ўринбосари

АННОТАЦИЯ

Бугунги кунда ёшларда ҳуқуқий маданиятни шакллантириши муҳим аҳамиятга эга. Бу эса фақат мустаҳкам қонунчилик базасини яратиш, мамлакатимизда ёшларга оид сиёсатни изчил олиб бориши орқали амалга оширилиши мумкин. Мақолада ёшларниң ҳуқуқий маданиятини юксалтириши масалалари, тарихий жиҳатлари, жараёнга тўскىнлик қилаётган омиллар, мавжуд муваммолар, уларни ҳал этиши йўллари таҳлил этилган.

Калит сўзлар: ҳуқуқий маданият, ёшлар, Ўзбекистон, Конституция, ёшлар сиёсати, ҳуқуқий асос.

АННОТАЦИЯ

Сегодня формирование правовой культуры у молодежи имеет важное значение. И её можно осуществить лишь создав крепкую правовую базу, последовательно проведя молодежную политику в стране. В статье анализируются вопросы повышения правовой культуры молодежи, исторические аспекты, факторы мешающие данному процессу, существующие проблемы, а также пути их решения.

Ключевые слова: правовая культура, молодежь, Узбекистан, Конституция, молодежная политика, правовая база.

ABSTRACT

Today, the formation of legal culture among young people is important. And it can be done only by creating a strong legal framework, consistently pursuing a youth policy in the country. The article analyzes the issues of improving the legal culture of young people, historical aspects, factors that hinder the process, existing problems, and ways to solve them.

Keywords: legal culture, youth, Uzbekistan, Constitution, youth policy, legal framework.

КИРИШ

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси шахс ва давлат ўзаро масъуллигининг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаб қўйган. “Инсон – давлат” муносабатларида устуворлик инсонга тегишли. Давлат ҳокимияти

органларининг фаолияти инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини муҳофаза қилишга қаратилиши лозим. Инсон ҳуқуқлари инсонпарвар демократик ҳуқуқий онгнинг ўзагидир. Ҳуқуқий онг даражаси бу одамларнинг ҳуқуқлардан шунчаки хабардорлиги, қонунларни билишигина эмас, балки, энгаввало, қонунларга риоя этиш ва уларни бажаришга тайёрлик, қонунга итоаткорлик, ҳуқуқни ва одил судловни ҳурмат қилишдир. Ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш бугунги куннинг долзарб масаласидир. Айни чоғда ёшлар келажакда мамлакатимизни ривожлантиришда, демократик қадриятларнинг қарор топишида, ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий соҳаларни бошқариб, эркин, фаровон ва юксак маданиятли жамиятни барпо этишда катта кучга айланадилар. Шу ўринда ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини шакллантириш масаласи долзарб аҳамият касб этади. Нега? Чунки ҳуқуқий маданият демократик жамиятнинг асоси бўлиб, давлатнинг ҳуқуқий жиҳатдан мукаммалигини. Жамиятнинг ҳар бир аъзоси томонидан ҳуқуқий нормаларга риоя этишини билдиради. Ёшларда ҳуқуқий маданият, юқори маънавиятни шакллантиришда аввало уларни умуминсоний ва миллий қадриятларда тарбиялаш жоиз.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Ўзбекистон аҳолисининг 64 фоизини 30 ёшгача бўлган ёшлар ташкил этиб[1], уларни баркамол инсонлар этиб вояга етказиш, ўз ҳуқуқлари билан биргаликда эркиnlари, мажбуриятларини тушибинтириш давлатимизнинг ҳуқуқий-демократик жамият қуриш йўлида ташланган катта қадамдир. Маълумотларга кўра[1], Ўзбекистон дунёдаги энг ёш давлатлардан бири бўлиб, ўртача ёш 24 ни ташкил этади. Шунингдек 26 миллиондан ортиқ аҳолининг 60 фоизи (15,6 млн) 28 ёшгача бўлган ўсмирлардан иборат. Ўзбекистонда 1-6 ёшдагилар 3,63 млн, 7-14 ёшдагилар 5,17 млн, 14-28 ёшдагилар 6,8 млн кишини ташкил этади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Бирлашган миллатлар ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессиясидаги нутқида ёшларнинг жамиятимиздаги ўрни ҳақида тўхталиб, “...ёш авлодни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, унинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги қўп томонлама ҳамкорликни ривожлантириш лозим. Шу муносабат билан Ўзбекистон глобаллашув ва ахборот-коммуникация технологиялари жадал ривожланиб бораётган бугунги шароитда ёшларга оид сиёсатни шакллантириш ва амалга оширишга қаратилган умумлаштирилган халқаро ҳуқуқий ҳужжат –

БМТнинг Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро конвенциясини ишлаб чиқиши таклиф этади. Бизнинг назаримизда, мазкур ҳужжатни имзолайдиган давлатлар ушбу соҳани ўз ижтимоий сиёсатининг асосий ва муҳим ҳаётий устувор йўналишларидан бири даражасига кўтариш бўйича қатъий мажбуриятларни ўз зиммасига олиши керак. Шу муносабат билан одамлар, биринчи навбатда ёшларнинг онгу тафаккурини маърифат асосида шакллантириш ва тарбиялаш энг муҳим вазифадир[2]” деган эди. Дарҳақиқат, бугунги дунё ёшлари сон жиҳатидан бутун инсоният тарихидаги энг йирик авлоддир, чунки улар 2 миллиард кишини ташкил этмоқда. Сайёрамизнинг эртанги куни, фаровонлиги фарзандларимиз қандай инсон бўлиб камолга етиши билан боғлиқ.

Айтиш жоизки ёшларда ҳуқуқий маданиятни шакллантириш борасидаги илк тушунчалалрни болалар оилада, мактабгача таълим муассасаларида оладилар. Мактаб даврида эса улар давлат қурилиши ва конституциявий тузими, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркиnlари, мажбуриятлари ҳақидаги билимларга эга бўлишади. Албатта бу билимлар ўрта маҳсус таълим муассасалари, олий ўқув юртларида такомиллаша боради. Охиргисида талабалар учун ташкил қилинадиган маҳсус курслар орқали улар халқаро сиёсий ҳаёт, жаҳонда инсонларнинг ҳуқуқлари қай даражада ҳимоя қилиниши билан танишадилар.

Тарихга назар ташлайдиган бўлсак, мамлакатимизда ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш мустақиллигимизнинг илк йиллариданоқ бошланган бўлиб, 1992-йил 22-августда “Ўзбекистон ўқув юртларида ҳар йили 1-сентябрда “Мустақиллик куни”ни ўтказиш тўғрисида” Президент Фармони эълон қилинган эди[3]. Унда давлатимиз тарихида янги сахифа очган Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллик куни байрам қилиниши муносабати билан ва унинг ёшларни маънавий камол топтиришда жуда катта тарбиявий аҳамиятга эга эканини назарда тутиб, ўқув юртлари жамоаларининг истакларини ҳисобга олиб:

- Ҳар йили 1-сентябрда барча мактабларда, ҳунар техника билим юртларида, ўрта маҳсус ва олий ўқув юртларида “Мустақиллик куни” мавзуида маҳсус машғулотлар, дарслар, маъruzalар, тантанали йиғилишлар ва учрашувлар ўтказиш:

- Қарамоғида ўқув юртлари бўлган вазирликлар ва идоралар, ҳокимликлар турли шакллардаги, ижодий изланиш ва байрам вазияти руҳидаги машғулотлар ва тадбирларни ўтказишга оид зарур ташкилий чораларни қўриш:

- Республика ҳаётининг барча соҳаларида рўй бераётган туб ўзгаришлардан ўқувчилар ва талабаларни кенг хабардор қилиш, уларни эркин ва юксак ватанпарварлик ва Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш:

- ўкув юртларида мустақиллик кунини байрам қилишда ёшларнинг ижодий қобилиятларини очишга кўмаклашуви ҳамда бир хиллик ва расмиятчиликни истисно этувчи танловлар, ижодий беллашувлар, оммавий ва бошқа тадбирлар ўтказиш, бир сўз билан айтганда буларнинг барчаси анъанага айланиб, ёшларнинг тарбиясида катта рол ўйнаб келмоқда.

Ўзбекистон Республикасидаги ёшлар сиёсатига асосланган сайд-харакатлар тизими давлат ва шахс, давлат ва фуқаролик жамияти, давлат ва оила устуворлиги ҳамда ҳимояси, давлат ва миллий хавфсизлик, давлат ва манфкура, давлат ва таълим-тарбия, давлат ва аҳоли саломатлиги, давлат ва хотин-қизлар, давлат ва ёшлар каби ўзаро алоқадор ижтимой-сиёсий воқеаларнинг изчил, ҳамнафас ва бир-бирини тўлдирувчи сиёсий катгориялардан иборатдир. Шу билан бирга, давлат ўз сиёсатини амалга оширап экан, табиий равища, ёшлар қатламини унинг таянчи ва истиқболини белгилаб берувчи асос сифатида қабул қиласиди. зеро, ёшлар давлатнинг энг муҳим ижтимоий-инсоний қадриятларидан ҳисобланади.

Демак, ёшлар сиёсати – демократик ҳуқуқий давлат қуриш ва инсонлар эркини таъминлаш борасидаги ҳар бир устувор йўналишларда ўз куч-қуввати, билими, салоҳияти, идрок ҳамда журъатини кучайтиришга қаратилган сиёсатдир. Айтиш мумкинки, мустақиллик йилларида Ўзбекистон қонунчилиги ёшлар манфаатларини ҳимоя қилишда қўйидаги йўналишларда ривожланмоқда.

Биринчидан, давлатчилик асосларини яратиш жараёнида маҳаллий шароитдан келиб чиқсан ҳолда хусусий тажриба ва амалиётдан, миллий тарихий қадриятлар тизимидан фойдаланиш;

Иккинчидан, жаҳоннинг жумладан, МДҲ мамлакатларининг илғор тажрибаларидан, БМТ ва унинг ташкилотлари томонидан ишлаб чиқилган инсон ҳуқуқларини таъминлаш борасидаги ҳуқуқий ғоялар меъёрларидан фойдаланиш;

Кўриб турганимиздек, республикамиизда ёшларга оид давлат сиёсати ўз моҳиятига кўра, ҳам миллий ва ҳам умуминсоний қадриятларга таянилган ҳолда амалга ошириб борилмоқда.

ХУЛОСА

Юқорида билдирилган фикрлардан келиб чиқиб, тегишли хulosалар ҳам баён қилинди. Жумладан:

— умргузаронлик қилаётган давримизда ёшларнинг интеллекутал салоҳиятини юксалтириш ниҳоятда муҳим аҳамият касб этиб бораётганини ҳисобга олиб, оммавий ахборот воситалари томонидан интеллектуал бойликка интилиш кўнимкамларини ёшларимиз хулқ-атворида ва тафаккурида чуқур қарор топтириш масалаларига жиддий эътибор қаратилмоғи лозимdir;

— ёшларимиз хулқ-атворида тафаккурида демократия қадриятларини, эркин шахс маънавиятини шакллантириш масалаларига етарли аҳамият берилиши лозим;

-ёшларимизни жаҳон миқёсида рўй берәётган халқаро глобаллашув жараёнлардан муҳофаза қилиш масалаларига бағишлиланган нашрларни кўпайтириш лозим;

-ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини шакллантиришда таълим сифатини ривожланган давлатларнинг тажрибасидан келиб чиққан ҳолда ошириш мақсадга мувофиқdir.

Зеро, ҳуқуқий таълимнинг мақсади ҳар бир кишига амалий фаолиятда зарур бўладиган ҳуқуқий билимларни белгиланган давлат стандартларидан кам бўлмаган ҳажмда олиш имкониятини беришдан иборатdir. Тарбиявий ва ўқув ишлари шахснинг ҳуқуқий онг даражасини инсон, жамият, давлат манфаатларига жавоб берадиган энг умумий юридик принциплар ва нормаларни англаб етишга қадар оширишга йўналтирилиши лозим. Ҳуқуқий тарбиянинг ўтмишдан қолган факат бир томонлама ахборот бериш – маърифатчиликка йўналтирилганлигини бартараф этиб, уни қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини муҳофаза қилиш вазифалари билан узвий боғлаш зарур. Шуни назарда тутиш керакки, ёшларнинг ҳуқуқий онгини шакллантиришда уларни ҳуқуқ, қонунийлик руҳида тарбиялаш, ҳуқуқий маърифат, қонунга ҳамда ҳуқуққа нисбатан ижобий муносабатни шакллантирибгина қолмай, балки шахснинг ижтимоий-ҳуқуқий фаоллигига, унинг ҳуқуқий маданиятида ўзининг тугал ифодасини топади. Ёшларнинг ҳуқуқий тарбияси ва таълимни такомиллаштиришга таълим ва тарбиянинг ҳали фойдаланилмаган механизмларини яратиш, улардан самарали фойдаланиш, тарбия ва таълимнинг янги шакллари ва воситаларини жорий этиш, моддий-техника негизини кучайтириш йўли билан эришилади.

REFERENCES

1. Болбеков Б. Ёшлар – юртимиз таянчи. <https://vakillik.uz/2017/10/27/yoshlar-yurtimiz-tayanchi>.
2. Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида нутқ сўзлади. <http://uza.uz/oz/politics/zbekiston-presidenti-shavkat-mirziyeev-bmt-bosh-assambleysi-20-09-20>
3. Ўзбекистон Республикасининг Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида. <http://lex.uz/docs/3026246>.
4. Кубатов Ш. Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсати: назария ва амалиёт. <http://buxoro-yoshlari.uz/2016/01>
5. Маматқобилов Т. Жамият тараққиётида ёшлар омили. <http://fikr.uz/blog/1920/17921.html>
6. Республика Кенгашининг таъсис конференцияси. <http://old.xs.uz/index.php/homepage/zhamiyat/item/10518-respublika-kengashining-ta-sis>